

«Умар розияллоҳу анҳу» кинофильми ҳақида

09:20 / 22.09.2017 5950

Савол:

Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх Ҳазратлари! Ҳазрат Сиз «Ҳуд» ҳақидаги кинофильмни томоша қилиш мумкин эмас деб жавоб берган экансиз. Мен яқинда бир танишимдан Умар розияллоҳу анҳу ҳақидаги кинофильмни олган эдим, бу фильмда деярли барча саҳобаларнинг юзлари кўрсатилган, лекин Пайғамбаримиз алайҳиссалом кўрсатилмаганлар. Аммо кинонинг бошида Ислом олимлари саҳобаларнинг юзларини кўрсатиш жоиз яъни рухсат берган деб айтилган. Бу кинони кўрса бўладими? Жавобингиз учун ташаккур.

Жавоб:

[Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф](#)

— “Ҳуд” эмас, “Нуҳ” фильми. Бу фильмни номусулмонлар одобсизлик ила сувратга олганлар. Масиҳий динида кўпгина тарафлар ҳам рухсат бермаган ва қаттиқ танқид қилган. Мусулмон оламида барча қарши чиққан.

Умар розияллоҳу анҳу ҳақидаги фильм мусулмон уламолар рухсати билан, мусулмонлар томонидан сувратга олинган. Шу билан бирга сиз айтганингиздек, саҳобаларни кўрсатгани учун норози бўлганлар ҳам бор. Аммо бу фильм тўғри сувратга олинган деганларнинг гапи қабул бўлган.

<http://savollar.islom.uz/savol/25782>